

**ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ, ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ, САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.ҒМ/Т.34.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ДАУЛЕТМУРАТОВ БОРИБАЙ КОПТЛЕУОВИЧ

**Cd(Me)Te И Ga(As, Se, N) КРИСТАЛЛАРНИ ИМПУЛСЛИ ИШЛОВ
БЕРИШ УСУЛЛАРИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

01.04.10 – Ярим ўтказгичлар физикаси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2017

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской диссертации
Content of the abstract of doctoral dissertation

Даулетмуратов Борибай Коптлеуович Cd(Me)Te ва Ga(As, Se, N) кристалларни импульсли лазер ишлов бериш усулларини оптималлаштириш.....	3
Даулетмуратов Борибай Коптлеуович Оптимизация методов импульсной лазерной обработки кристаллов Cd(Me)Te и Ga(As, Se, N).....	21
Dauletmuratov Boribay Koptleuovich Optimization of the methods of pulsed laser processing of Cd(Me)Te and Ga(As, Se, N) crystals.....	39
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	45

**ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ, ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ, САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.ҒМ/Т.34.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ДАУЛЕТМУРАТОВ БОРИБАЙ КОПТЛЕУОВИЧ

**Cd(Me)Te И Ga(As, Se, N) КРИСТАЛЛАРНИ ИМПУЛСЛИ ИШЛОВ
БЕРИШ УСУЛЛАРИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

01.04.10 – Ярим ўтказгичлар физикаси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2017

Докторлик диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий Аттестация комиссиясида В 2017.1.DSc/T29 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертация Қорақалпоқ давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифага (fi-kengash.uz) ва “ZiyoNet” ахборот-таълим порталига (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Власенко Александр Иванович**
физика-математика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Гнатенко Юрий Павлович**
физика-математика фанлари доктори, профессор

Касимахунова Анархан Мамасадиковна
техника фанлари доктори, профессор

Рахматов Ахмад Зайнидинович
техника фанлари доктори, к.и.х.

Етакчи ташкилот: **Тошкент ахборот технологиялари университети**

Диссертация ҳимояси Физика-техника институти, Ион-плазма ва Лазер технологиялари институти, Самарқанд давлат университети хузуридаги DSc.27.06.2017.FM/T.34.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «___» _____ куни соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100084, Тошкент шаҳри, Бодомзор йўли кўчаси, 26-уй. Тел./факс: (99871) 235-42-91, e-mail: lutp@uzsci.net, Физика-техника институти мажлислар зали).

Докторлик диссертацияси билан Физика-техника институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (04 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100084, Тошкент шаҳри, Бодомзор йўли кўчаси, 26-уй, Физика-техника институти. Тел./факс: (99871) 235-30-41.

Диссертация автореферати 2017 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2017 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

С.Л. Лутпуллаев

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., профессор

А.В. Каримов

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш илмий котиби ф.-м.ф.д., профессор

С.А. Бахрамов

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш хузуридаги илмий семинар раиси ф.-м.ф.д., профессор

Кириш (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳонда, бугунги кунда хар хил яримўтказгичларни ва структураларни импульсли лазерли ишлов бериш кенг қўлланилиши муносабати билан фотодиодларни, гамма нурлари ва рентген детекторларини, A^2B^6 каттик қотишмалар асосидаги инфрақизил сенсорларни тайёрлашда ишлатилувчи лазерли импульсли термик ишлов бериш, тоблаш, юзани тозалаш, лигерлаш, кристаллизацияни ўзгартириш, юпқа катламларни ўтказиш, абляциялаш, юзадан сочиш ва яримўтказгичларни наноструктуралаштириш мухим ахамиятга эга. Бу борада импульсли лазерли индуцирланган каттик ва суяк фазали лигерлаш истиқболли йўналишлардан бири бўлиб келмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг олимлари томонидан яримўтказгичга бошқарилувчи киришмалар киритишга, омик ва тўғриловчи контактларни ҳамда электрик параметрлари берилган инверс ва варизон қатламларни шакллантиришга, лазерли тоблаш орқали яримўтказгичли структураларнинг фотоэлектрик ва оптик характеристикаларини бошқаришга катта эътибор қаратилган. Бу йўналишда сегрегация, диффузия ва киришмаларнинг лазер ишлови орқали эриши бўйича аннанавий усулларга нисбатан сезиларли натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида яримўтказгичли асбобларда ташқи таъсир асосида кечаётган физик жараёнларни амалий тадқиқ этиш натижасида янги технологияларни жорий қилиш орқали фотоэлектроника соҳасининг самарадорлигини ошириш мухим ахамиятга эга.

Ҳозирги кунда жаҳонда параметрлари яхшиланган модификациялаштирилган структураларни олиш технологиясини, яримўтказгичларни ва улар асосидаги структураларни ишлов бериш усулларини муваффақиятли танлаш мухим ахамиятга эга. Бу борада мақсадли илмий тадқиқотларни, жумладан, куйидаги йўналишлардаги илмий изланишларни амалга ошириш мухим вазифалардан бири хисобланади: икки ва учлик каттик қотишмаларни наносекундли лазерли тоблашда урилиш тўлқини ва акустик аксланиши, диффузияланиш қонуниятлари ва мезанизларини бошқаришга йўналтирилган яримўтказгичли структуралар ва кристалларни лазерли ишлов бериш усулларини ишлатиш; яримўтказгичлар юзасига янги фотоэлектрик хусусиятлар берувчи яримўтказгичли кристалларни импульсли лазерли ишлов бериш усулларини оптималлаштириш учун икки ва учлик каттик қотишмаларни наносекундли лазерли тоблашда киришмалар жойлашишини ва босимини, харооратини аниқлаш; нитрид галлий асосидаги ёғду диодларида люминесценлик ва электрик характеристикалари ўзгариши ва акустик эмиссия билан боғлиқлигини ток ўтишида аниқлаш. Юқорида келтирилган илмий тадқиқотлар йўналишида бажарилаётган изланишлар мазкур диссертация мавзусининг долзарблигини изохлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ-1442 – сон «2011–2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида» ҳамда 2017 йил 17 февралдаги ПҚ- 2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий –

тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисидаги Қарори» ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари равожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг III «Энергетика, энергоресурсстежамкорлиги, транспорт, машина ва асбобсозлик, замонавий электроника, микроэлектроника, фотоника ва электрон асбобсозлиги ривожланиши» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи¹.

Лазерли тоблаш орқали рентген ва гамма нурлари детекторлари параметрларини оптималлаштириш ва технологиясини яхшилаш бўйича илмий ва амалий тадқиқотлар етакчи илмий марказлар ва университетларда, жумладан, National Center for Biotechnology Information (АҚШ), Shizuoka University (Япония), ночизикли оптик жараён-ларнинг тадқиқотлари Вильгельм Вестфалиш университети (Мюнстер, Германия), Ража Раман номидаги илғор технологиялар маркази (Индор, Ҳиндистон), Империя коллежи (Лондон, Буюк Британия), Рокасолано физика-кимё институти (Мадрид, Испания), Илмий тадқиқотлар миллий инс-титути (Монреал, Канада), Тошкент давлат технива университети ва Самар-канд давлат университети томонидан ва дунёнинг бошқа мамлакатларидаги илмий марказларида олиб борилмоқда.

Дунёда структураларни тоблаш орқали импульсли лазерли лигерлаш усуллари яратиш бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижасида қатор илмий натижалар олинган, жумладан, кескин *p-n*-ўтишли диодлар олиш технологиялари ишлаб чиқилган (Lapp Kabel и Карлсруэ, Германия), - наноструктураланган яримўтказгичли материаллар олиш бўйича қатор тадқиқотлар бажарилган (РОСНАНО. Россия), Умумий физика институти (Москва, Россия) ва лазерли – фазовий индуцирланган ўтишлар текширилган (University of Wisconsin Madison, США), (University Pierre et Marie Curie, Франция) (Forschungszentrum Julich Германия), Ўзбекистон Миллий университети, Самарқанд давлат университети, (Ўзбекистон).

Бугунги кунда детекторларни ядро медицинасида ҳамда техноген катастрофалар хисобига ва ядро ёқилғисини ишлатгандан сўнг ядро чиқиндилари билан боғлиқ бўлган атроф мухитни радиацион ифлослаштиришни назорат қилишга ишлатиш бўйича ва Ҳиндистон олимлари Mehendale S.C., Mishra S.R., ишида металл нанозарралари эритмаларининг ночизикли оптик параметрлари таҳлили импульс давомийлиги наносекунд бўлган паст қувватга эга ёруғлик майдонларида олиб борилиб, нанозарралар коллоид эритмаларидаги ночизикли оптик жавоблар иссиқлик ночизиклилиги билан

¹ Диссертациянинг мавзуси бўйича халқаро илмий-тадқиқотлар шарҳи Progress in the Development of CdTe - and CdZnTe Semiconductor Radiation Detectors for Astrophysical and Medical Applications. Review // Sensors. – 2009. No. 9. – P. 3491-3526; IEEE Transactions on Nuclear Science. – 2011. Vol. 58. Issue 5. Part 2. – P. 2363-2370 ва бошқа манбалар асосида бажарилган.

тушунтирилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё амалиётида квантли чуқурларни ва гетероструктураларни, ҳар хил юпқа қатламларни олишда ўстирилаётган заррачалар энергетик спектрини бошқариш ва томчисиз ўстиришни таъминловчи импульсли лазерли ўстириш технологияси ишлатилади. Нанофотоника ва спинотроника структураларини яратишга фойдали эпитаксиал пленкаларни синтез қилишга қаратилган структура ва материаллар синтезини импульсли лазерли жорий қилишнинг янги ёндошишлари ишлаб чиқилмоқда.

Lagally M.G., Swartzentruber B.S. (АҚШ) ва Aqua J.-N (Франция) ҳамда Voigtlander B. (Германия) каби олимларининг ишлари кремний-германий ва квант чуқурли бошқа гетероструктуралар асосида фотоника учун нур қабул қилгичларни ишлаб чиқишга бағишланган. Аммо уларнинг шовқини ва спекрометрлик характеристикаларини яхшилаш муаммосини ҳал қилиш керак.

Бугунги кунга қадар тақиқланган зонаси кичик бўлган қаттиқ қоришмалар ва нанокиритмали яримўтказгичли структуралар олиш технологияси муаммоларини ечишга мустақил давлатлар олимлари, жумладан: П.Е. Мозоль, Е.А. Сальков (Украина фанлар академиясининг Яримўтказгичлар институти), В.М. Фальченко, В.Ф. Мазанко, Д.С. Герцрикен (Украина фанлар академиясининг Металлофизика институти), М.М. Берченко (“Львов политехника” Миллий университети), Л.А. Косяченко (Харьков физика – техника институти), В.И. Емельянов (Москва давлат университети), В.И. Иванов-Омский (Санкт-Петербург Физика-техника институти), М.Н. Либенсон (С.И. Вавилов номидаги Давлат оптика институти) ва В.А. Янушкевичлар ўз хиссаларини қўшган.

Охирги ўн йилликда кадмий теллуриди ва кадмий цинк теллуриди гамма ва рентген нурлари датчиги сифатида катта қизиқиш уйғотмоқда. Германий ва кремний асосидаги анаанвий спектрометрлар билан бир қаторда CdTe ва CdZnTe асосидиги спектрометрлар ҳам хона температурасида юқори эффективликка эга бўлмоқда. Шу билан бир қаторда тез масса кўчиш эффектлари, ёки наносекундли импульслар билан тоблашда атомлар ҳаракатчанлигининг юқорилиги CdTe, CdZnTe ларни металл пленкаси – структурасини тоблашда технологиклиги, ва асбобли структуралар тайёрлашда керакли параметрларини бошқариш осонлиги жуда катта амалий аҳамиятга эга.

К.П. Абдурахманов, Т.М. Разиков ва Н.Х. Юлдашевларнинг ишларида металл-диэлектрик-яримўтказгич структураларда қолдикли чуқур марказларнинг тадқиқот натижалари, ҳамда теллурид кадмий ва унинг брикмаларидаги рекомбинация ва генерацияли жараёнларнинг фундаментал жихатлари келтирилган. Аммо бугунги кунда наносекундли импульсли лазер билан тоблашда яримўтказгич – металл пленкаси структураларида масса кўчиши жараёнларининг хусусийлиги ва физик механизмлари аниқланмасдан қолаёпти.

Cd(Me)Te ва Ga(As,Se,N) юза қатламлари структурасини бошқарилувчи ўзгартириш муаммоси уларнинг оптик ва люминисцентли, электрик, фотоэлектрик хусусиятларини лазерли тоблаш ёрдамида эффектив бошқариш ўз ечимини талаб қилади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қорақалпоқ давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг П–18.52-сон «Қуёш элементлари учун мўлжалланган кремний пластиналари олиш технологияларини ўрганиш ва ишлаб чиқиш» (2003–2007 йй.) мавзусидаги ҳамда Қорақалпоқ давлат университети ва Украина Миллий фанлар академияси Яримўтказгичлар физикаси институти билан «Яримўтказгичли материаллар ва структуралар барқарорлигини башорат қилиш ва назорат қилишнинг акустоэмиSSION экспресс усулини яратиш ва ишлаб чиқиш» (2014 – 2017 йй) илмий тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Cd(Me)Te ва Ga(As,Se,N) кристалларида дефектлар хосил бўлиши, диффузия, тўлқинли тўқнашув жараёнларини, акустик эмиссия ва ночизикли оптик эффектларнинг содир бўлишини бошқариш ва лазерли наносекундли ишлов бериш жараёнларини оптималлаштиришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

In/CdTe структураси ва CdTe асосидаги учталиқ қаттиқ қотишмаларда, CdTe наносекундли лазер ёрдамида тоблашни лазерли ишлов бериш технологиясида ишлатишни ўрганиш;

CdTe наносекундли лазерли тоблашда узиб-уланиш хусусиятига эга Te – CdTe структурасини тайёрлаш усулини ишлаб чиқиш;

импульсли лазер тоблашидан кейин яримўтказгичлар юза қатлами ҳолатини бузмайдиган усулларни ишлаб чиқиш;

CdTe, CdZnTe, CdMgTe, CdHgTe яримўтказгичлар юзасининг янги фотоэлектрик хоссаларини олиш, импульсли лазер тоблаш режимини оптималлаштириш;

берилган кристалларни импульсли лазерли тоблаш усулини оптималлаштириш учун In/CdTe структураси ва CdTe асосидаги учталиқ қаттиқ киришмалар, CdTe наносекундли лазерли тоблашда босим харорат градиентларини ҳисоблаб чиқишни йўлга қўйиш;

GaN асосидаги ёғду диодларидан ток ўтганда уларни диагностика қилиш ва барқарорлигини башорат қилиш учун электрик, люминисцентли характеристикаларининг ўзгаришини акустик эмиссия билан бошқарилишини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти импульсли лазерли тоблашдан ўтган Cd(Me)Te, Ga(As, Se, N) яримўтказгичлардан иборат.

Тадқиқотнинг предмети дефектлар хосил бўлиш жараёни, масса ташилиши, урилиш тўлқини, мураккаб яримўтказгичларни наносекундли лазерли тоблашдаги акустик эмиссиясини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда ёруғликнинг комбинацион сочилиши, фотоўтказувчанлик, фотолюминесценция, электролюминесценция, оптик ўтказувчанлик, икки фотонли ютилиш, индуцирланган ютилиш ва ойдинлашиш, Оже-анализ, қатламли ва селектив емириш, юза морфологиясини ўрганиш, вольт-ампер, вольт-фарад характеристикалар, акустик эмиссия усули, назарий ҳисоблашлар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

CdTe, CdZnTe юқори омли кристалларига рубин лазерининг наносекундли импульслари билан ишлов берилганда юза холатининг яхшиланиши кўрсатилган;

юза рекомбинацияси тезлигини камайтириш ва сезгирлигини ошириш, ҳамда фотоўтказувчанликни ва фотолюминесценциянинг спектрал диапазонини ўзгартириш шароитлари топилган;

лазер технологиялари асосида CdTe ва GaAs учун импульсли лазер таъсирида акустик нурланиш энергияси ва амплитудаси ўзгаришини таъминловчи яримўтказгичли кристаллар эрий бошлашини аниқловчи акустоэмиссион усули ишлаб чиқилган;

CdTe наносекундли лазерли тоблаш йўли билан хотирали электрон узиб – уланиш хусусиятига эга Te-CdTe структурасини тайёрлаш усули ишлаб чиқилган;

импульсли лазерли тоблашда, акустик нурланиш механизми асосида яримўтказгичли CdTe ва GaAs монокристалларининг эрий бошлаш шароитлари аниқланган;

яримўтказгичлар юзасини импульсли лазерли тоблашнинг оптималлаш усули ва қонуниятлари CdTe ва унинг асосидаги қаттиқ эришмалар, GaAs, GaSe ларни лазерли ишлов бериш технологиясида ишлатилиши мумкинлиги топилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

CdTe, CdZnTe юқори омли кристалларига рубин лазерининг наносекундли импульслари билан ишлов берилганда юза холатининг яхшиланишини ноёб материалларга лазерли ишлов беришда қўлланилиши мумкин;

яримўтказгичли материаллар ва структуралар барқарорлигини таъминлаш ва назорат қилишнинг акустоэмиссион экспресс усуллари ёғду диодларини гуруҳларга ажратишда ишлатилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий илмий ва технологик усулларни қўллаш, текширишнинг стандарт ва апробация қилинган усулларини, берилганларни ва комплекс мустақил ўлчаш усулларини қўллаш, ҳамда натижаларнинг ҳозирги замон яримўтказгичлар физикаси ва техникасига тушунчаларига мослиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, дефектлар ҳосил бўлиш жараёни, масса ташилиши, урилиш тўлқини, мураккаб яримўтказгичларни наносекундли лазерли тоблашдаги акустик эмиссиясини ўрганиш кристалларни юқори қувватли наносекундли лазерли тобланишида содир бўлувчи ўта тез ночизикли физик жараёнларни тушуниш учун муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти яримўтказгичлар хусусиятини модификациялаш ва уникал оптик, фотоэлектрик хусусиятли янги қатламлар ва структуралар олишда, қайсиларки хархил сенсорлар ва детектор асбобларида қўлланилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Кристалларга импульсли лазерда ишлов беришнинг ва ночизикли

оптик эффектларнинг диффузия ва нуқсонлар ҳосил бўлишига таъсирини ўрганиш асосида:

ишлаб чиқилган яримўтказгичли материаллар ва структуралар барқарорлигини таъминлаш ва назорат қилишнинг акустоэмиSSION экспресс усули InGaN ёғду диодларини танлашда ва «Полтава» корхонасида «Универсал УТОГ» ёриткичларини серияли ишлаб чиқаришда фойдаланилган (Полтава Миллий техника университетининг 2016 йил 15 августдаги маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланиши ёриткичларнинг ёруғлик коэффицентини 3%га оширишга имкон берди;

CdTe индий билан наносекундли лазерли каттик фазадан лигерлашдаги масса кўчиш механизмлари; CdTe да индийнинг масса кўчиш коэффицентлари, CdTe ва GaAs монокристалл бирикмаларининг локал эриш сабаблари, $\lambda=0,94$ мкмли бир марталик наносекундли (20 нс) тоблашдаги монокристалл юзаларининг топилган эриш чегаралари, GaN асосидаги гетероструктураларнинг электрик ва люминисцентлик характеристикалари ўзгариши ва акустик эмиссия пайдо бўлиш жараёнлари ўртасидаги аниқланган боғлиқлик бўйича олинган натижалар Қорақалпоқ давлат университети Ф-2-ОТ-1-10079 «Яримўтказгичларда нуқсонлар ҳосил бўлишининг лазерли-индуцирланган ночизик жараёнларининг хусусийлиги» грант лойиҳасини бажаришда қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 21 февралдаги ФТК-03-13/677-сонли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланиши ёғду диодлари барқарорлигини ва текширишнинг экспресс-тезкор усулини яратиш имконини берган;

Теллур ва индий материаллари учун Раман сочилиши ва индий атомларининг кадмий теллурга атом массасининг ўтиш механизмлари бўйича олинган натижалар хорижий илмий журналларда (Journal of Applied Physics 119, 024106 (2016) 10.1063/1.4937996; Chem. Mater., 2014, 26 (7), pp 2313-2317; Sensors and Actuators B: Chemical. Volume 191, February 2014, Pages 673-680) урилиш тўлқини ҳосил бўлишининг чуқурлигини аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 22 та халқаро ва республика анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 40 та илмий иш, шулардан ЎзР ОАКнинг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган нашрларда 17 та мақола нашр этилган, 1 та фойдали намунага патент олинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация ҳажми 208 бетдан иборат, кириш, бешта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.


ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Мураккаб яримўтказгичларни ва улар асосидаги структураларни импульсли лазерли тоблаш усуллари ривожлантириш келажаги ва муаммолар ҳолати**» деб номланган биринчи бобида адабиётлар асосида таҳлил келтирилган. Cd(Me)Te и Ga(As, Se, N) мураккаб яримўтказгичларга нисбатан импульсли лазерли тоблаш усулини фотоэлектрик, электрик, люминисценли ва оптик хусусиятларини бошқариш даражасига кўтариш учун комплекс муаммоларни ечиш кераклиги аниқланган. Келтирилган экспериментал ва назарий натижалар асосида масалалар қўйилиши шакллантирилган.

Диссертациянинг «**Наносекундли лазерли тоблашда CdTe асосидаги яримўтказгичли қаттиқ котишмаларининг фотоэлектрик ва структуравий хусусиятларининг ўзгариши**», номли иккинчи боби CdTe и CdZnTe эритма монокристалларининг электрик нобиржинслигига фонли ифлосланишининг таъсирини кўришга бағишланган.

Mg_{0,20}Cd_{0,80}Te фотоўтказувчанлиги иаксимумининг қисқа тўлқинлар соҳаси томонига силжиши, бизнинг ҳолатда 8 нм (расм 1) шуни



1-тоблагунча; 2-тоблашдан кейин

1 расм. Фотоўтказувчанлик спектрлари Mg_{0,20}Cd_{0,80}Te (T= 300 К) тоблашдан олдин ва кейин D = 4Дж/см² (при I = 20 МВт/см²) дозада


кўрсатаёттики, кристаллнинг юзаки сиртида тақиқланган зонаси катта бўлган қатлам ҳосил бўлаяпти, бунга CdTe нисбатан қисқа зонали компонентасининг камайиши тўғри келаяпти. Фотоўтказувчанлиги бўйича тақиқланган зонанинг ошишини ҳисоблаш, ҳамда фотолюминесценция тадқиқотлари натижалари ва Mg_{0,20}Cd_{0,80}Te қаттиқ қоришмалар спектри комбинацион ёруғлик сочилиши шундай ҳулоса қилишга имкон берадики, тобланган кристаллнинг компоненталар состави юза сиртида 3% га ўзгаради. Mg_{0,20}Cd_{0,80}Te кристаллини рубинли лазер билан тоблаганда унинг тенг мувозанатли ўтказувчанлиги (σ_T) ва фотоўтказувчанлиги ($\sigma_{св}$) $10 \div 10^3$ марта ошиши кузатилди.

Бу ўзгаришлар кристалларни зичлик қуввати баъзи-бир чегаравий $I_{\text{п}}$ (юзанинг холатига боғлиқ, намунанинг биржинслилиги ва х.к.) қийматидан катта бўлган лазер импульси берилганда содир бўлади.

Хар хил шароитларда зазер билан таъсир қилишдан аввал ва сўнг CdZnTe монокристаллари ва юқори омли p -CdTe ҳамда улар асосидаги тўсиқли структураларнинг фотоэлектрик ва электрик хоссалари ўрганилган. Намуналарни рубинли лазернинг наносекундли импульслари таъсири икки усул билан амалга оширилади. Биринчи ҳолатда Cd(Zn)Te кристалларининг айнан юзасига лазер нурлари таъсир қилинган. Маълум диапазон интенсивлигида тобланиш юзаки рекомбинацияни камайтиришга ва сигналнинг фотоўтказувчанлигини оширишга олиб келди. CdZnTe кристалларнинг юзасида нисбатан тақиқланган зонаси каттароқ соҳа шакллантирилган эди. Иккинчи ҳолатда намуналар нисбатан қалинроқ бўлган лигерловчи индий пленкаси қопланган томонидан тобланди, қайсики ВАХни тўғриланишига ва натижада Cd(Zn)Te юпқа юза соҳасини лазерли – индуцирланган лигерлашга ва киритилган p - n -ўтиш шаклланишига келтирди. Ишлаб чиқилган М- p - n структурали In/Cd(Zn)Te/Au диодларни татбиқ қилиш муҳокама қилинган.

8÷12 мкм спектрал диапазон учун қайсики Инфрақизил фотоэлектрониканинг база материали бўлган $\text{Cd}_x\text{Hg}_{1-x}\text{Te}$ $x\sim 0,2$ да нобиржинскиликлар ҳосил бўлишининг механизмлари, хусусан, фазовий диаграммаларда солидус ва ликвидус чизиқлари орасидаги сезиларли фарқланиш ва, оқибатда (Hg) симоб парларининг юқори қайишқоқлиги ва катта учувчанлиги, сегрегацияга юқори қобилияти, гравитацияли сегрегация, (Te) теллурнинг ретроградли эрувчанлиги ва х.к.

Преципитатларнинг шахсий компоненталари хархил шаклга эғалиги диссертация ишида аниқланган: Те киритмалари чўзилган шаклга эға; сферага ўхшаш рельеф юзаси эркин симоб борлиги билан боғлиқ (расм 2).



а) диск формада

б) дендрит формада

2 расм. Хар хил формадаги Те нурларида Те ажралишили КРТ намунаси юзасининг фотоси


Эркин энергия учун тенгламанинг тахлили асосида кўрсатилган, кайсики Те преципитатлари қайишқоқлик кучланишлари энергиясининг ошиш шароитида ҳосил бўлади, Нг киришмалари эса – сиртки тортилиш энергиясининг ошиши шароитида ҳосил бўлади.

CdZnTe монокристалларининг юқори омлик ҳолатлари хусусийлиги канал ўтказувчанлиги ҳосил бўлиши билан анализ қилинган. Кристалл решеткасида зарядланган фонли донор ва акцепторларнинг биржинсли бўлмаган фазовий жойлашиши кристал хажмида электрстатик потенциалнинг тегишли модуляцияси билан кузатилади. Кучли сийраклашган сохали узлуксиз электр тўсиқларининг борлиги, қайсиларки ўзини диэлектрик сифатида намоён қилади, ва CdZnTe хажмида электрстатик потенциаллар ўрқачи сифатида ўтказувчанлик характерини ўзгартиради.

Хусусан, монокристалларда оқиш сатхлари ҳосил бўлади, яъни энергия қийматлари, қайсиларида ўтказувчанлик электронлари ташқи майдон кучлари чизиқларига бурчак остида ҳаракат қилиб туннеллашмайди, айнан электрстатик потенциаллар ўрқачларини айланиб ўтади.

Учинчи бобда **“Те-CdTe структурасининг шаклланиши, импульсли лазерли тоблашда In-CdTe структурасида масса ташилиши ва тўқнашув тўлқини”** ўрганилган. Ҳамда CdTe сиртида кимёвий емириш ва импульсли лазер тоблаш натижасида теллур пленкасининг ҳосил бўлиши кўрилган.

Те-CdTe структурасида узиб-уланиш эффекти кўрсатилган ва бу эффектнинг механизми таклиф қилинган. Берилган CdTe кристаллининг структурасига



Юқори омлик ҳолатдан (1. чиз.) кичик омлик ҳолатга ўтиш (2 чиз)

3 расм. ВАХ структуры Te-CdTe:In
($\rho \text{ CdTe} = 10^5 \text{ Ом}\cdot\text{см}$ при 300 К)

ва ўтказувчанлик типига қарамасдан уни қувват зичлиги $I = 3 \div 5 \text{ МВт}/\text{см}^2$, $\tau_{\text{имп}} = 20 \text{ нс}$ рубинли лазер билан тоблагандан сўнг Те-CdTe структураси ҳосил бўлади, қайсики электрон узиб-уланиш хусусиятига бўлиб ва унинг асосида хотирали узиб-уловчи элемент яшаш мумкин. Узиб-уланишнинг бошланғич қиймати берилган кристаллининг қаршилигига боғлиқ. In/Te-CdTe/In узиб-уловчи структуранинг вольт-ампер характеристикаси олинган (3 расм). CdTe монокристалларининг сиртида наноўлчамли кимёвий боғланмаган теллур билан тўйиниш механизми икки фаза чегарасида локаллашган кетма-кет кимёвий реакциялардур.

CdTeнинг полировка қилувчи бромли эритма билан кимёвий реакцияси икки стадияли характерга эга ва CdTe

сиртида кимёвий эркин теллурнинг ажралиш реакцияси тезлигининг тетрабромид теллур бирикмасига айланиш тезлигидан устунлиги ҳисобига амалга ошади.

CdТенинг бромли эритма билан реакцияси қуйидаги умумий тенглама билан ифодиланади:



CdBr₂ реакция махсулоти кристаллогидратдан иборат ва элементар Те билан солиштирганда нисбатан ажралиб турувчи асосий хусусияти намоён қилиб эритма билан ўзаро реакцияси тез бўлиб тезроқ эрийди. Шунинг учун сиртнинг ортикча бўлган теллур билан тўйиниши чучук эритмада унинг эрувчанлигининг нисбатан камлиги билан шартланади.

In-CdTe структурада индий томонидан наносекундли лазер билан тоблангандаги масса кўчиш механизмлари муҳокама қилинган.

CdTe импульсли лазер таъсирида дефект ҳосил бўлиши ва масса кўчиш механизмларидан бири зарбли тўлқин фронтида атомларнинг кўпмарталик индивидуал тўқнашиши, бунда зарбли тўлқин фронти орқали термодинамик катталиклар сиртки узлуксизликлар узилиши орқали модда оқими оқади.

Зарбли тўлқин деб фронти «тўнкарилган» тўлқин тушунилади, қайсики моддада ҳаракатланувчи сирти ажралган узлуксиз босим, ҳарорат ва бошқа катталиклар. Термик таъсири зонасидан ташқари, зарбли тўлқин шаклланиши ва ҳаракатланиши онда фронт соҳасида дефектларнинг интенсив генерацияланиши содир бўлади, қаерда структуравий ва нуктали дефектлар концентрацияси максимуми намоён бўлади.

Зарбли тўлқиннинг индийда ва CdTe ҳосил бўлиш чуқурлиги уларнинг юзасига импульсли лазер таъсирида қуйидаги ифода билан ҳисобланиши мумкин

$$l_{\text{yB}} = \frac{2c_l^2 \tau_{\text{um}}}{\zeta(m+1)} \left[\frac{2\rho}{\bar{\chi}(\gamma-1)(1-R)E\alpha_\lambda} \right]^{1/2}$$


Бу ерда: c_l – бўйлама акустик тўлқиннинг тезлиги, τ_{um} – лазер импульсининг узунлиги, ρ – зичлик, ζ – сиртки катламнинг тезлиниш бирлиги параметри, m – изэнтропа кўрсаткичи, $\bar{\chi}$ – импульс фронти бузилишлари коэффицентининг эффективлиги– адиабата кўрсаткичи, R – қайтариш коэффиценти, E – лазер импульсининг энергия зичлиги, α_λ – оптик ютилиш коэффиценти. $\bar{\chi} = 1$, $\zeta = 1$, $m = 3$, $\gamma = 5/3$.

4 расмда CdTe ва индийда лазер импульсининг энергия зичлигига қараб зарбли тўлқин ҳосил бўлиши чуқурлиги ҳисоби келтирилган.

Зарбли тўлқин ҳосил бўлиши чуқурлигининг l_{yB} ҳисоби шуни кўрсатдики, бундай тўлқин тобланининг $E = 10\text{-}500$ мДж/см² технологик режимида 7 мкм гача индий пленкасида ҳосил бўлмайди (4 расм), ва In қалинлиги 30-400 нм бўлганда CdTe кристали ҳажмида индий ўтиш чуқурлигидан анча кўп масофада зарбли тўлқин ҳосил бўлади. CdTeда зарбли тўлқиннинг ҳосил

бўлишида ва харакатида ҳамда ҳосил бўлишидан олдин босим градиентининг узвий ошиши дислокациялар ҳосил бўлишига олиб келади.

Чуқурлик билан дислокациялар зичлиги ошиб боради ва зарбли тўлқин ҳосил бўладиган жойда максимал қийматга эга.



Индей учун $R = 0.6$ (1 и 2) ва $R = 0.9$ (3 и 4), CdTe учун $R = 0.43$ (5 ва 6) (1, 3, 5) – эксимерли; (2, 4, 6) – рубинли

4 расм. In (1-4) ва CdTe (5 и 6) ультра товуш ҳосил бўлишининг чуқурлиги хар хил лазерларнинг импульсли энергиясининг чуқурлиги


In-CdTe структурасида наносекундли лазер таъсирида In атомларининг CdTe тез ва чуқур кириши босим ва термодиффузия механизми ҳисобига босим ва харарат градиенти билан стимуллаштирилган индей атомларининг CdTeга кўчиши, ҳамда иссиқлик деформациясида йиғилган босим тарқалишида Inга фазовий ўтишда, парлар ва “зарбли” тезликдаги плазмалар ҳосил бўлиши билан тушунтирилади.

Рубинли лазер билан наносекундли таъсир қилингандаги CdTe сиртки температураси ҳисобланган.

5 расмда рубинли лазер импульсининг интенсивлиги (а), ҳамда импульс узунлиги қараб CdTe эрий бошлаши (б) температураларининг математик ҳисоби келтирилган. Ҳисоблаш натижаларида аниқланганки, конкрет берилган тоблаш турида (масалан, табиий бўлиниши), $I_{пор}$ нинг қийматига, кўзгалган электрон-ковак плазманинг вақтли ва параметрлари эмас, иссиқлик-физик параметрларининг хароратга боғлиқлиги ахамиятли улуш беради.

c_p , χ , ρ катталиклари харорат билан 0 дан 1092 °C гача ўнлаб процентларга ўзгаради.

Кўриниб турабдики, импульс узунлигининг 5нс дан 100 нс оралигида $I_{пор}$ 12 МВт/см² дан то 1,7 МВт/см² гача ўзгаради, яъни 7 маротаба. Импульс узунлигининг (20 нс) ± 5 нс га ўзгаришида $I_{пор}$ 4 до 5,75 МВт/см² гача ўзгаради. 20 нс $I_{пор} = 4,74$ МВт/см².



5 расм. CdTe учун рубинли лазернинг (б) импульс узунлиги $\tau_{имп}$ ва эриш чегараси $I_{пор}$ ва харолат интенсивлигига (а) боғлиқлиги

Тўртинчи бобда «Импульсли лазер таъсирида GaAs ва GaSe дефектлар ҳосил бўлиши ва ночизиқли эффектлар» GaAs яримўтказгичини на фақат ёруғнинг термик таъсири позициясида, узоқ харакатли эффектлар натижалари кўрилган, яъни импульс вақтида тоблаш зонаси иссиқлик диффузияси узунлигидан катта, масофада сиртки хоссаларнинг ўзгариши кўриб чиқилган.

Тартибсизлашган кристалларни текшириш учун ёруғнинг комбинацион сочилиши ишлатилган, қайсики кристал сиртки қатлами аморфизацияланиши даражасини ва 20 нм ўлчамли нанокристалларда фонлар локализациясини аниқлаш имконини беради.


Ўстириш жараёнида Si билан лигерланган GaAs кристаллари тадқиқ қилинган. Ёруғликнинг комбинацияли сочилиши спектрлари 488 нмли қуввати ~ 100 мВт ва $T=300$ К Ag^+ –лазери нурлари билан қўзғатилган. 6 расмда берилган намунани (1 ва 1' чиз.) ва тобланган (2 ва 2' чиз.) намунани зонада (1,2 чиз.) ва тоблаш зонасидан ташқарида (кр. 1', 2') Ёруғликнинг комбинацияли сочилиши спектрлари келтирилган. Бу геометриядаги намунада ТО–фонон чизиғи LO–фононнинг интенсивлик чизиғидан анча устун.

Намунани эриш чизиғидан паст қувватда $D = 0,5$ Дж/см²да тоблагандан сўнг Ёруғликнинг комбинацияли сочилиши спектрида қуйидаги ўзгаришлар кузатилаяпти:

- тоблаш зонасида LO- ва ТО- фонлар чизиқларининг интенсивлиги камаяди, кичик частота томонга силжийди ва уларнинг ахамиятли кенгайиши рўй беради;

- LO- ва ТО- фонлар чизиқлари интенсивлигига тенгдош аморли GaAs хос $183, 200$ и 245 см⁻¹ ли чизиқлар пайдо бўлаяпти;

- тоблаш зонасидан ташқарида LO- ва ТО- фонлар силжиши, тоблаш зонасига қараганда, кичик частоталар томонига кам силжияпти.



1,2 ва 1', 2' чизиклар тоблаш зонасида ва ундан ташқарида ўлчанган

6 расм. Рубин лазери билан 0,5 Дж/см² дозада тоблашдан олдин (1 ва 1' чиз.) ва тоблангандан кейинги (2 и 2' чиз.) [111] ориентацияли n-GaAs:Si кристалларининг КРС спектри

ЛО- ва ТО- фононлар чизиклари параметрларининг кузатилаётган ўзгариши сиртки қатлам деформацияси билан боғлиқ. Импульсли лазер тоблашда узоқ ҳаракатли эффект топилган, қайсики яримўтказгичга лазер таъсирида деформацион механизмнинг ахамиятли ролидан дарак беради.

Ночизикли эффектлар ўрганилган – икки фотонли ютилиш, индуцирланган ютилиш, GaSeда ёруғланиши ва ёруғликнинг комбинацион сочилиши.

ϵ -GaSe кристалларни зичлик қуввати намуналар юзасининг бузилишидан кам бўлган рубин лазер импульслари билан тоблаш бошқа политип составли (γ -политип) кристалл соҳалари ҳосил бўлишига олиб келади.

Диссертациянинг бешинчи боби «CdTe ва GaAs импульсли лазерли тоблаганда ва GaN структурали ёғду диодларидан ток ўтишидаги акустик эмиссия» га бағишланган, қайсики дефектлар ҳосил бўлишини ва деградациясини бузилмас назорат қилиш учун муҳим ахамиятга эга.


InGaN, AlGaIn, GaN асосидаги гетероструктурали ёғду диодларини критик режимда эксплуатация қилиш ва тайёрлаш муаммоларидан бири хажмдаги ўтказувчанликнинг нобиржинслилиги, қайишқоқлик ўзгармаслари модулларининг фарқлилиги, гетероўтиш чегарасида решеткалар доимийси ва термик кенгайиш коэффициентлари, иссиқтарқатувчи ва актив муҳитнинг иссиқлик қаршилиги, қайсики ҳароратларнинг сезиларли градиентига ва ток ўтишида (10^7 Пагача) сезиларли термомеханик кучланишларга олиб келади.

Бу деградацияни салмоқли тезлаштиради, ФИК ва ишлаш вақтини камайтиради. Механик кучланишларнинг релаксацияси акустик эмиссия билан бирга намоён бўлади – бу қайишқоқ акустик тўлқинларнинг материал

структураси динамик ўзгаришидаги нурланиш ходисаси. Акустоэмиссия сигналлари пьезодатчик ва АФ-15 асбоби билан 200 – 500 кГц частотада 76 дБ кучайтиришда компьютерда регистрация қилинган.

7 расмда кванли чиқиш корреляцияси (а), ток флуктуациялари (б) ва акустик эмиссия келтирилган. Акустик эмиссия сигналларининг вақтли группа чегарасига (акустик эмиссия ходисалари) бирдан бир ёрилувчи ток флуктуацияси тўғри келади, энг катта узлуксиз ток шовқини зичлиги кечроқ содир бўлади – акустик эмиссиянинг сўнишида.

Кўп ҳолатларда квант чиқиш флуктуацияси билан вақт корреляцияси кузатилади, қайсики акустик эмиссиянинг узлуксиз сигналлари группасига жавоб беради.



7 расм. Кескин деградация пайтида токи I (а) ва зичлиги J (б) 110 A/cm^2 бўлганда InGaN/GaN гетероструктурада квантли чиқиш флуктуацияси, акустик эмиссиянинг корреляцияси

Акустик эмиссия билан электрик ва люминесценли характеристикалари ўзаро боғлиқлиги ёғду диодларидан критик зичликдаги тўғри ток ўтишида структурали узлуксиз дефектлар гетероструктураларнинг актив сохаларида пайдо бўлиши жараёни аниқланган.

CdTe ва GaAs интенсивли наносекундли лазер билан тоблпаганда акустик нурланиш жараёнлари ўрганилган.

Эришда хажмнинг кескин ўзгаришида, иссиқ плазманинг булутларининг кенгайиши ва нотенгмувозанатли парларнинг юзага таъсирида, ҳамда дислокациялар пайдо бўлишида ва фазовий қаттиқ жисм – суюқ жисм ўзгаришларида акустик импульслар генерацияланади.


Монокристаллар сиртининг эрий бошлаш чегаралари бир марталик наносекундли лазер билан таъсир қилганда акустик акси интенсивлиги амплитудасининг ночизикли боғланишидан топилган

8 расмда рубинли лазер $A(I)$ нурланиши интенсивлигининг акустик сигнал амплитудасига боғлиқлиги келтирилган. Бир марталик тоблаш режимида $A(I)$ боғлиқлигининг чизикли сохасида 7 МВт/см^2 гача CdTe учун ва 17 МВт/см^2 гача GaAs учун, қайсинда сиртнинг эриши рўй бермайди,

стационар бўлмаган киздиришда термик кенгайиш ҳисобига фототермо-акустик сигнал – акустик акс бор.

$I = 8-24 \text{ МВт/см}^2$ CdTe учун ва $I = 18- 24 \text{ МВт/см}^2$ GaAs учун $A(I)$ боғланиш ночизиқли бўлаяпти, қайсики сиртки қатламнинг эриш жараёни ҳисобига акустик нурланиш кўшимча механизми билан боғлиқ.

Чизиқли аппроксимациянинг кесими (5 -чизиқ) ночизиқли $A(I)$ боғлиқликнинг бошланиши CdTe ва GaAs сиртий қатламлари эриш I_{nop} тбошланиши деб баҳоланади, қайси CdTe (111) учун $8\pm 0.4 \text{ МВт/см}^2$ ва GaAs (111) учун $18\pm 0.4 \text{ МВт/см}^2$ таўкил қилади.



а) рубинли
 б) неодимли
 CdTe (111) кристалларини бир (1) ва хар хил (2) соҳасини тоблаш.
 GaAs (111) кристалларини бир (3) ва хар хил соҳасини (4) тоблаш.
 5 - чизиқли аппроксимация

Рис. 8. Зависимость амплитуды акустического сигнала от интенсивности импульса различных лазеров

